



31.01.2022 даги

Мароканд нефт база ва Тайлок туман ҳокимлиги ўртасида 3269161,35 сўм умумий суммага тузилган 118 -
сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб

018

Шахсий ғазна ҳисобварақ

100022860182387011205018001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252500			
Январь	1 027 450,71			1 027 450,71
Февраль	1 027 450,71			1 027 450,71
Март	1 214 259,93			1 214 259,93
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	3 269 161,35			3 269 161,35

Жами 3269161,35 сўм

Уч миллион икки юз олтмиш тўққиз минг бир юз олтмиш бир
сўм 35 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки
нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади.

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасига ҳар ойида олдиндан тўланиши
лозим (ушбу сўм бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар
кўрсатилган хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой донмий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.У.

Бабоназаров Баходир Кадилович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

Курбонов Музаффар А.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ҳодими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

«31» 01.2022 йил

Пастдаргом т.

«Мароканд нефть базаси» МЧЖ, кейинги ўринларда «Маҳсулот сотувчи» деб юритилувчи номидан НИЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.И.Икрамов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб юритилувчи номидан «Истеъмолчи» деб юритилувчи Бош директор Н.Бағомов иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефть маҳсулотларини бериш, «Истеъмолчи» эса берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Сотиладиган нефть маҳсулотларининг турлари, уларнинг микдори, нархи шунингдек, бериш муддатлари куйидаги спецификация жадвалида келтирилади.

Нефть маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Микдори	Суммаси
Автобензин Аи-80	O'zDst 3031;2015	Тонна	9340 461	0,35	3269161,35
Автобензин Аи-91			12044 537		
Диз.ёнилғиси ЭКО	O'zDst 1134;2007		12171 668		

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Маҳсулот берувчи» эса нефть маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 3269161,35 сўми ташкил қилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 май куни ўтказилган №27-сонли йиғилиш баёнининг 23-бандига асосан бериладиган нефть маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошшахартрансхизмат» АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёнилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёнилғиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида шаклланади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан бошқа истеъмолчиларга барча нефть маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефть база устамасидан шаклланади.

2.4. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти берилиши сўралган нефть маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичида амалга оширади. Акс ҳолда «Маҳсулот сотувчи» нефть маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.5. Бериладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар «Маҳсулот сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефть маҳсулотлари «Маҳсулот сотувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида унга берилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилгандагина берилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари «Истеъмолчи»нинг хоҳишига қараб (истеъмолчида махсус автотранспорт воситаси бўлмаган тақдирда) «Маҳсулот сотувчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартиб ва келишилган қўшимча нархлар асосида етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари келишилган калькуляция асосида қайта қўриб чиқилади.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Маҳсулот сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (Истеъмолчининг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Маҳсулот сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефть маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефть маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Маҳсулот сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда ҳабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари микдор бўйича қабул қилиш «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини микдор жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Маҳсулот сотувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Маҳсулот сотувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини беришни қафолатлайди. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини маҳсул автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун нефт маҳсулотлари сўммасининг 0,1 фоизи, лекин шартнома сўммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Етказиб берилган «Нефть маҳсулотлари» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Хўжалик Етказиб берувчига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Маҳсулот сотувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Маҳсулот сотувчи»

«Истеъмолчи»

«Мароканднефтебазаси» МЧЖ
Пастдарғом тумани, Арабхона қишлоғи
х/р 2260480000440931701
МФО 00432 «Ушанотқурилишбанк» АТБ
Яшнобод филиали ИНН 202041586

А.И.Икрамов

«Шайлоқ тумани ҳокимлиги»
СТИР № 000 961 334
х/р № 00000000000000000000
АТБ «Мароқанднефтебазаси» МЧЖ
МФО 00432 ОКЕД
Тел. + 99 666 5055
Б.Бабоқаров

Ҳуқуқшуноснинг ҳулосаси: Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353 ва 354 моддалари ҳамда 437-456-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 11 бўлим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради

Ҳуқуқшунос

ИННМС булими